

Hussein And Navoi (1438–1506)

Bobonazar Murtazoev
Termez State University, Department of Uzbek Literature
Senior Lecturer, Candidate of Philological Sciences

Хусайн Ва Навоий (1438–1506)

Бобоназар Муртазоев
Термиз давлат университети, Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси
катта ўқитувчиси, филология фангалари номзоди

Summary: The article analyzes the life of the statesman and poet Hussein Boykaro, the creative collaboration of the leaders of the literary environment of Herat Jami and Navoi.

Keywords: History, king, poet, work, tatabbu, ghazal, pseudonym, tazkira, misra, matla, ideology, praise, radif.

Резюма: Мақолада давлат арбоби ва шоир Хусайн Бойқаронинг хаёт йўли, Ҳирот адабий муҳитининг дарғалари Жомий ва Навоий ижодий ҳамкорлиги таҳлил назаридан ўтказилади.

Калит сўзлар: тарих, шоҳ, шоир, асар, татаббуъ, ғазал, таҳаллус, тазкира, мисра, матлаъ, мабдаъ, мақтаъ, радиф.

Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоининг хаёт йўли ҳамда ижодий фаолияти борасида навоийшунос олимларимиз тарафидан кўп ва хўп мақолалар битилган бўлиб, бу илмий кузатувлар ўз замонида шойиста равишда эътирофини топганлиги ҳаммага маълум. Чунончи олима Суйима Фаниеванинг қайд этишича: “Тарихий ва баъзи адабий манбаларнинг берган маълумотларига кўра, Алишернинг отаси (Фиёсиддин Муҳаммад) Кичкина бахши (изоҳга қаранг), Баҳодир Мирзо Бойқаро (Умаршайх–Б.М.)нинг ўғли Фиёсиддин Мансур билан эмиқдош бўлган”(3–Б.3). Бошқа бир манба, Олим Шарафиддиновнинг берган маълумоти бўйича: “Алишер оиласи Темур ўғли Мирзо Умаршайх авлоди, Абулқосим Бобур ва Хусайн Бойқаролар оиласи бир - бирлари билан қўкалдош, яъни сут (эмиқдош –Б.М.) қариндош эдилар” (10–Б.66). Бу икки буюк инсонлар Ҳиротда таваллуд топганлар, ҳаммактаб (мактабдош–Б.М.) бўлишган, Хурсон мулкини биргаликда обод этишган, айтарлик бутун умр бир - бирларига кўмакдош ва елкадош ҳамда вафо ва садоқат билан хизмат қилишган, туркий тили равнақи йўлида жонбозликлар кўрсатишган.

Тарихда ижодкор таҳт соҳиблари борлигини яхши биламиз, шулардан бири Султон Хусайн Бойқародир, айни замонда шоҳ ва шоир ҳамдир. Унинг тўлиқ исми шарифи қўйидагичадир: Султон Хусайн Мирзо ибн Мансур ибн Бойқаро ибн Умаршайх ибн Амир Темур. Кўринадики, Хусайн Бойқаро улуғ Амир Темур (1336–1405)га эвара бўлиб, у Султон Шоҳруҳ Мирзо (1377–1447) замони 1438 йили Ҳиротда таваллуд топади. Манбаларнинг гувоҳлигича Султон Хусайннинг отаси Фиёсиддин Мансур мирзо Бойқаро мирзонинг ўғлидир, Бойқаро мирзо Умаршайх мирzonинг фарзанди, Умаршайх мирзо биламизки, Амир Темурнинг иккинчи ўғлидир. Султон Хусайн Бойқаро мирzonинг онаси Ферузабегим Амир Темурнинг тўнғич қизи Оғабегимнинг ўғли Хусайн мирzonинг қизи эди. Ферузабегимнинг онаси Қутлуғ Султонбегим эса Мироншоҳ мирzonинг қизидир, кўринадики, Оғабегимнинг ўғли Хусайн мирзо Мироншоҳнинг қизи Қутлуғ Султонбегимга уйланади, демак опа Оғабегим ва ини Мироншоҳ ўзаро қуда - андадир. Англашиладики, Бобур Мирзо таъкидлаганидек,

Султон Ҳусайн “каримут - тарафайн” (карим – карамлик, сахий, олижаноб), яъни ҳам ота, ҳам она томондан нааси Амир Темур Кўрагонга туташади. Қолаверса, Мансур мирзо ва Ферузабегимларнинг икки қизи, яъни Оқобегим ва Бадакабегим ҳамда икки ўғли Бойқаро ва Ҳусайнлардир. Оқобегим ҳам, Бадакабегим ҳам Ҳусайн миrzога эгачи – опа бўлса, Бойқаро ҳақида Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да ёзди: “Бойқаро Мирзо – Султон Соҳибқирон (Султон Ҳусайн)нинг тутқон оғаси эди” деб, ундан бир байт форсий шеър келтиради (8–Б.106–107). Демак Мансур мирзо ва Ферузабегим оиласида Бойқаро Мирзо тўнғич фарзанд, Султон Ҳусайн бўлса кенжа ўғил, қизиги Султон Ҳусайннинг акаси Бойқаро Мирзога Мансур миrzонинг отаси Бойқаро ибн Умаршайхнинг исми берилган. Султон Ҳусайнга онаси Ферузабегимнинг отаси Ҳусайн мирзо (Амир Темурнинг тўнғич қизи Оғабегимнинг ўғли)нинг исми қўйилган экан. Ҳусайн Мирzonинг опаси Оқобегимга эса Ферузабегим (вафоти 14.07. 1469)нинг отаси Ҳусайн миrzонинг онаси Оғабегимнинг исми берилган экан. Султон Ҳусайннинг опаси Оқобегимнинг умр йўлдоши Султон Аҳмад Мирзо ва ўғли Кичик Мирзо (асли Мирзо Муҳаммад Султон)лар ҳақида “Бобурнома” (1–Б. 146–165) ва “Мажолис ун-нафоис”да кенг маълумотлар мавжуд. Чунончи “Мажолис ун-нафоис”да Султон Ҳусайннинг поччаси Султон Аҳмад Мирзо хусусидаги маълумотлар анча мароқли: “Султон Аҳмад Мирзо – дарвешваш, яхши ахлоқлик, писандида атворлик, одамишева кишидур. Ота жонибидин хуштаъбиқ анга маврусийдур” (8–Б.108). Манбаларда Султон Ҳусайннинг поччаси ушбу Султон Аҳмад Мирзо нечундир Мирзо Бобурнинг амакиси Султон Аҳмад Мирзо (1451–1494) билан адаштирилади, балки исм ва номларнинг бир хиллигидандир. Султон Ҳусайннинг поччаси Султон Аҳмад Мирзо ҳақида Алишер Навоий таъкидлаган “Ота жонибидин хуштаъбиқ анга маврусийдур”(8–Б.108), яъни ижодкорлик унга отасидан меросдир. Дарҳақиқат бу Султон Аҳмад Мирзо “Таашшуқнома”нинг муаллифи машҳур Саидаҳмад Мирзо ибн Мироншоҳнинг фарзанди азизидир. Буни “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” маълумотлари ҳам тасдиқлайди, унинг исми шарифи қуидагича берилади: Султон Аҳмад ибн мирзо Сейди Аҳмад ибн мирзо Мироншоҳ ибн султон соҳибқирон Амир Темур Кўрагон (4–Б.630). Мирзо Бобурнинг ўзи амакиси Султон Аҳмад Мирзо ҳақида айтган: “...табъ(шеър ёзиш)дин баҳраси йўқ эди”. (1–Б.20) деган сўзлари ҳам унинг ижод ила машғул бўлмаганининг исботидир.

Султон Ҳусайн ёшлигига чукӯр билим эгаллайди, Заҳириддин Бобур (1483–1530) таъбири билан айтганда унинг шакл-шамойили: “... қийик кўзлук, шер андом бўйлук киши эди”(1–Б.147) – шер келбат бўйли бу инсоннинг ҳарбий салоҳияти анча юкори бўлиб, кўплаб жангу жадалларда иштирок этади. Ҳусайн Бойқаро 1469 йили 31 ёшида пойтахти Ҳирот шаҳри бўлган Хуросон доруссалтанатини эгаллайди ва муттасил 37 йил хукмронлик қиласи. Унинг давлатининг худудлари кенг ва улкан эди, шарқда Балх, ғарбда Бистом, шимолда Хоразм, жанубда Кандахор ва Сейистон вилоятлари тасарруфифа эди. Ҳусайн Бойқаро шоҳлик қилган давр Хуросон тарихи зарварақларида алоҳида ўрин тутади, унинг хукмдорлиги йиллари баъзи ички низоларни ҳисобга олмагандан юртда аҳвол ҳийла осоийшта эди. Мамлакатда талай ободончилик тадбирлари амалга оширилади, муҳташам хонақоҳ, мадраса, мактаб, қаср, сардоба, шифохона, сарой, работ, ҳаммомлар қад кўтаради, санъат ва адабиёт юксалади, шоирлар, адиблар ва илм аҳли қадр - қиммат топади. Тарихчи Хондамир (1480 – 1435)нинг ёзишича Алишер Навоий пойтахт Ҳиротдаги Хиёбон кўчаси ва Инжил анҳори бўйлаб “Ихлосия”, “Низомия”, “Шифоия” мадрасалари ҳамда “Халосия” хонақоҳини, Марвда “Хусравия” мадрасасини қурдирган экан(12–Б.40–41). Яна бир қизик тарафи Алишер Навоий бино қилган “Халосия” хонақоҳида Хондамирнинг таъкидича, “У файзли жойда ҳар куни мингдан ортиқ заифалар ва мискинларни зиёфат қилиб, лазиз таомлар билан тўйдирилади”(12–Б.66). Қолаверса, “Халосия” хонақоҳида “Ҳар йили муҳтоҷларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак, иштон, тақия ва кафш улашилади”(12–Б.66), буларнинг бари Алишер Навоийнинг шахсий жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган. Хондамирнинг хабар беришича, бир йили Ҳусайн Бойқаро Мозандаронда эканида, пойтахтга Амир Муборизиддин номига фармон йўллайди, маълум бўлишича, зарур харажатлар учун Ҳирот шаҳри аҳолисидан 100 (юз минг) динор ундириб жўнатиш сўралади. Амир Муборизиддин кўп мулоҳаза ва мушоҳадалардан сўнг бу масалада Амир Алишерга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Алишер Навоий бу ҳодисага жиддий қарайди ва ўринсиз солиқни Ҳусайн Бойқаро учун муносиб кўрмайди ва ушбу маблағни ўз ҳисобидан қоплайди, “халқ эса ул ҳазрат (Амир Алишербек)ни дуо қилиб, унга кўпдан - кўп раҳматлар айтади”(12–Б.107).

Яна бир воқеа Ҳусайн Бойқаронинг фарзанди Муҳаммад Мухсин Мирзо Сабзавор ҳокими бўлиб, эҳтиёт чораси сифатида келгуси йил ҳосили учун бир миқдор захира ғалла тўплашни режалаштиради. Энг ёмони у вилоятда мўлжалдаги ғалла йўқ эди, Мухсин Мирзонинг одамлари Амир Алишернинг Сабзаворда катта ҳажмдаги ғалласи борлигини аниқлашади. Шу ғалладан бир миқдор олиб туриш, бўлажак ҳосилдан уни қоплаш маслаҳати ўртага ташланади, лекин Муҳаммад Мухсин Мирзо бунга кўнмайди, амир ғалласига дахл қилишга изн бермайди. Бу воқеадан Амир Алишербек хабар топади ва мавжуд барча ғаллани шаҳзодага тухфа айлайди, ҳатто Алишер Навоий айтган экан: “агар бир дона буғдой ўрнида бир донадан марварид бўлганда эди, у зотдан аямай, ҳаммасини назр қил”ар эдим(12–Б.103). Ҳирот XV асрнинг сўнги чорагида гуллаб - яшнаган ва кўркам шаҳарлардан бирига айланади, унинг хуснижамолига ва ободлигига бошқа шаҳарлар ҳавас қиласар эди. Ҳирот шаҳрининг ўз анъаналари бор эди, темурийлар даврида бу шаҳар сиёсий ва маданий марказга айланаб бўлган эди, айниқса, Султон Шоҳруҳ Мирзо замони (1405–1447)да шаҳар кескин ривожланади ва Шоҳруҳ Мирзо шаҳарни 1407 йили Хурросон пойтахти деб эълон қиласади. Бу ажойиб анъана Ҳусайн Бойқаро ва унинг чинакам дўсти Алишер Навоий (1441–1501) каби фидокор, элсевар, ватанпарвар инсонлар фаолияти эвазига давом эттирилади. “Бобурнома”да ёзилишича: “Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замон эди, ахли фазл ва беназир элдин Хурросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлувати эди” (1–Б. 159). Яъни Хурросон, хусусан, Ҳирот шаҳри Султон Ҳусайн замонида фозилу фузалоларга, олиму уламоларга, шоири шуароларга, шайху машойихларга тўла (мамлувати) экан. Тағин Бобурнинг хикоя қилишича, у Ҳирийда бўлган кезлари: “Боғи Навда бир кеча бўлдим, ани муносиб кўрмай Алишербекнимнг уйларини тайин қилдилар. Ҳирийдин чиққинча Алишербекнинг уйларида эдим”(1–Б.170).

Ҳусайн Бойқаро йирик давлат арбоби бўлиш бароварида етук лашкарбоши ва моҳир ижодкор эди, у Ҳусайнин тахаллуси или ғазаллар ижод этади. У туркийда шеърлар битади, шеърий девон тартиб берди, она тили – туркий тилининг равнақи йўлида жонбозликлар кўрсатди. Унинг туркий тилига давлат мақомини бериш борасидаги ҳаракатлари бекиёс, ҳатто туркий тилида идора ёзишмаларини олиб бориш хусусида махсус фармони олий беради, бу ўз даври учун дадил қадам эди. У форс - тожик тилида ижод эта олиш қувватига эга бўлса-да, асосан, туркий тилида ғазаллар битди ва бу соҳада бошқаларга ибрат бўлди. Унинг замонида туркий халқ қўшиқлари тўпланади, тикланади, бу қўшиқлар Ҳусайн Бойқаро саройидаги базмларда ҳофизлар хонишида жаранглар эди. Накқошлиқ, хаттотлик соҳалари юксалди, куй, қўшиқ ва мусика санъати ривожланди, илм-фан ва адабиётга эътибор кучайди. Унинг замонида шоирлардан Абдураҳмон Жомий (1414–1492), Алишер Навоий (1441–1501), Шайхим Суҳайлий (1444–1502), Биноий (1453–1512), Муҳаммад Солих (1455–1534), Ҳилолий (вафоти 1529), Ҳотифий (1453–1520), Осафий (1449–1517), Кошифий (1440–1505) ва бошқалар нашъу намо топди. Хушнависликда Султон Али Машҳадий (1432–1520), мусаввирлиқда Камолиддин Беҳзод (1455–1537), тарихчилардан Мирхонд (1433–1498), Хондамир (1475–1535), тазкиранавис Давлатшоҳ Самарқандий (1436–1494), адабиётшунос Атаяулло Ҳусайнин (1440–1513), мусиқачи ва мусиқашунослардан Кулмуҳаммад Удий, Шоҳқулий Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Ғулом Шодийлар улуғлик шоҳсупасида эдилар.

Абдураҳмон Жомийнинг “Субҳат ул-аброр” (Яхшилар тасбехи,1482), “Юсуф ва Зулайҳо” (1483), “Силсилат уз-захҳоб” (Олтин занжир, 1485), достонлари Ҳусайн Бойқарога багишлаб ёзилган. Алишер Навоийнинг “Ҳамса” ва бошқа асрлари тўлалигича Ҳусайн Бойқаро шарафига аталганлигини яхши биламиз. Ҳусайн Бойқаро ҳам ўз навбатида ўзининг “Рисола” асарини Алишер Навоийга бағишилаб яратган ва Навоийдек инсон билан бир замонда яшаганлигидан Аллоҳга баралла ҳамду санолар айтади. Ҳусайн Бойқаро айнан Алишер Навоийнинг туркий тили ва туркий адабиёти ривожидаги саъй - ҳаракатларини сидқидилдан олқишилайди, унинг фидокорона меҳнатини эътироф этади. Ҳусайн Бойқаро ёзади: “...турк тилининг ўлган жасадига Масих анфоси билан рух киёрди...”(З–Б.161), демакки Навоий туркий тилининг ўлган жасадига Исо Масих нафаси каби жон ато этган экан. Алишер Навоий “Ҳамса”сига нисбатан ҳам Ҳусайн Бойқаро оғаринлар ўқийди, албатта, Низомий Ганжавий (1141–1209) ва Амир Ҳусрав Дехлавий (1253–1325) “Ҳамса”ларига соя солмаган ҳолда, атрофдагиларни унинг қадрига етишга ундейди.

Ҳусайн Бойқаро рисолада туркий тили ва адабиёти ривожига бир ёқлама қарамайди, балки унинг равнақига таъсир этган омилларни ҳам назардан қочирмайди. У ўз даври подшолигини: “Ва бу даврон барча даврлардин мумтоз (эъзозли)ки...” (З–Б.159) дер экан ўз даври назми осмонида “Мехри

жаҳоннамо” – “Жаҳонни ёритувчи қуёш” Султон Ҳусайн даври форс-тожик адабиётининг ялавбардори мавлоно Абдураҳмон Жомий эканини чуқур қоникиши ила таъкидлайди (3–Б.160). Бу борада Бобурнинг эътирофлари ҳам диққатга сазовордир “Бу жумладин бир Мавлоно Абдураҳмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди”(1–Б.160). Зотан мавлоно Жомий тариқат ва шеъриятда Султон Ҳусайн ҳамда Алишер Навоийнинг устози – пири бўлганидек, Абдураҳмони Жомийга Мавлоно Лутфий (1366–1465) тариқатда муршид, шеъриятда устоз эди. Лутфий ва Жомийнинг, Жомий ва Ҳусайнининг, Жомий ва Навоийнинг муршиду муридлиги аждодларимизнинг биз авлодларга ибрат намунаси эканини зинҳор унутмаслигимиз лозим. Лутфий ва Жомийнинг бир - бирларига бўлган меҳр - муҳаббати, чинакам оқибати, тариқат ва адабиётдаги ҳамкорлиги Ҳиротнинг нафақат адабий ҳаракатчилиги, балки ижтимоий муҳитини ҳам безаб турганлигини таъкидламоқ жоиз. Мавлоно Лутфийнинг Жомийга бағишлиб “Сухан” (Сўз) радифли қасида ёзганликлари воқеалари ҳам Алишер Навоийнинг эътиборидан четда қолмаган (9–Б.476). Биламизки, Жомий шогирди Навоийнинг “Кошки” радифли ғазалига татаббуъ ёзади(11–С.511), бу воқеа Ҳиротда чиройли шов-шувга сабаб бўлади. Ҳатто Ҳусайний ҳам бу ҳодисага диққат - эътибор била қарайди ва Жомийнинг форсий “Кошки” радифли ғазалига форсийда мусаддас битишни шахсан Навоийдан илтимос қиласди. Табиийки, Навоий бу подшоҳона ҳукми олийни бажону дил ижро этади ва ўша форсий мусаддасни “Девони Фоний”га киритади (7–С.366–370). Ҳатто Навоийнинг шахсан ўзи ҳам “Кошки” радифли ғазалига муҳаммас боғлагани янада эътиборли ҳодиса, демак бу ғазалнинг тарихи анча қизиқ ва ажойиб жиҳатларни намоён этади(5–Б.385–386). Навоийнинг айнан ушбу “кошки” радифли ғазалига Ҳусайнининг ўзи ҳам шахсан татаббуъ ёзгани мақтовга лойикдир(3–Б.146), қолаверса, Бобур Мирзо ҳам айни шу ғазалга татаббуъ боғланган(2–Б.63). Яна муҳим жиҳатларидан бири шундаки, “Девони Фоний”да Ҳусайнининг иккита “Монда”(қолди) форсий ғазалига Навоийнинг татаббуъси мавжуд. Ҳар икки ғазал татаббуъларининг сарлавҳалари бир хилдир: “Татаббуъи Султонул - фусаҳо Ҳусайний ҳуллида мулкиху” – “Султонлар чиройи, шоҳлар безаги Ҳусайнийга издошлиқ” (7–С.274;292). Ҳусайний мутассил равишда Навоий ижодини кузатади ва унинг ғазалларидан таъсиrlаниб ўхшатма ғазаллар боғлайди. Ҳусайнининг “мени” радифли ғазалига Алишер Навоийнинг мусаддас боғлагани ҳодисаси анча эътиборлидир(6–Б.381–382). Ўз навбатида Ҳусайний ҳам Навоийнинг “нетай” (3–Б.149–150) ва “қилдило” (3–Б.151–152) радифли ғазалларига муҳаммас боғлагани диққатга сазовордир.

Ҳусайн Бойқаро (1438–1506) ва Алишер Навоий ҳаётда ҳамдасту ҳамкор бўлғанларидек ижодда ҳам ҳамнафас эдилар. Шоҳ Ҳусайн Бойқаро, яъни шоир Ҳусайний ва буюк мутафаккир Алишер Навоий бир - бирларининг ижодига бефарқ эмас эдилар, янги ижод намуналарини, аввало, ўзаро назардан ўтказар эдилар. Бу икки буюк инсон ва улуғ давлат арбоблари, айни замонда улкан шоирлар бўлиб, Ҳирот адабий муҳитининг етук дарғалари эдилар. Жомий ва Навоий бир - бирларининг асарларининг биринчи ўқувчилари бўлганидек, ушбу ҳодисадан Ҳусайний ҳам четда турмас эди, у ҳам Навоий асарларини илк назардан ўтказувчилардан бири эди.

Ҳусайн Бойқаро ўз даврининг кўзга кўринган шоири эди, у фақат туркий тилида ижод қилди ва туркий мумтоз адабиёти ривожига эътиборли улуш қўшди. Ҳусайний девонидан жой олган ғазаллар ўзбек тили бойликларини, унинг мўъжизакор жилосини намойиш этади ва унинг кўркини кўз - кўз қиласди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг саккизинчи мажлисини тўлалигича Ҳусайний шеърияти таҳлилига бағишлидай ва унинг ижодининг хос хусусиятларини очиб беради.

Султон Ҳусайн Мирзонинг фарзандларидан Бадиuzzамон (1457–1515), Шоҳ Гариф (1471–1496), Фаридун Ҳусайн (1473–1509), Муҳаммад Ҳусайн (1476–1503)лар ҳам ижод билан машғул бўлишган. Улар ҳақида “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисида маълумотлар берилади, шулардан Шоҳ Гариф Мирзо икки тилда шеърий девон тузгани ва Алишер Навоий унга алоҳида меҳр ила муносабат изҳор этади. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” хотимасида Шоҳ Гариф Мирзога алоҳида боб ажратади ва ҳатто унинг вафотига атаб марсия ёзади. Шунингдек, “Хамса” достонларидан “Ҳайрат ул-абор”нинг охирида Бадиuzzамонга боб ажратилса, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” достонлари биратўла Султон Ҳусайн Бойқаро ва Бадиuzzamонга бағишлиланган. “Садди Искандарий”нинг сўнги бобларидан бири Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан Музаффар Ҳусайн (1473–1509)га аталган. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” (1495) асари Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абдулмуҳсин Мирзо (1472–1507)га атаб ёзилгандир. Буларнинг бари Ҳусайн Бойқаро

фарзандларининг давлат ишларида фаол иштироки ва бадиий адабиётга эътибор билан қараганликлари исботидир.

Адабиётлар:

1. Бобур, Захириддин Мухаммад. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 380 б. (–Б.146–165).
2. Бобур, Захириддин Мухаммад. Девон. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи ф.ф.д., проф. Абдурашид Абдуғафуров. –Тошкент: “Фан” нашриёти, 1994. –144 б.
3. Бойқаро Ҳусайн. Девон. Рисола. Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева ва Ш.Абдуллаева. – Тошкент: Faфур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 168 бет.
4. Самарқандий, Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К. II / (Форс тилидан тарж., сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Асомиддин Ўринбоев). – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –832 б.
5. Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.2. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент: Ўззадабийнашр, 1963. – 428 бет.
6. Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.3. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 416 бет.
7. Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Девони Фоний. Т.5. Китоб 2. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент. “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 456 бет.
8. Навоий, Алишер. МАТ. 20 томлик. 13-том. Мажолис ун-нафоис. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи: Суйима Ғаниева. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1997. –284 б. (–Б.173–210).
9. Навоий, Алишер. МАТ. 20 томлик. 17- том. Насойим ул-муҳабbat мин шамойим ул-футувват. – Тошкент: “Фан”, 2001. – 520 б.
10. Олим Шарафиддинов. Танланган асарлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи ф.ф.к. Эрик Каримов. –Тошкент: “Фан” нашриёти, 1978.– 304 бет.
11. Чомй, Абдураҳмон. Осор: Иборат аз ҳашт жилд. Жилди шашум. (Девони сонй. Воситат-ул-икд). Ҳозиркунандай чоп Аълохон Афсаҳзод.– Душанбе: Адиб, 1988. – 560 с.
12. Хондамир Фиёсиддин бинни Ҳумомиддин. Макоримул-ахлоқ. (Яхши хулқлар). Форсчадан М.Фахриддинов, П.Шамсиев таржимаси. Учинчи, қайта ишланган, тўлдирилган нашри.– Тошкент: Faфур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 136 бет.

Изоҳ: бахши – туркийда оқин, уйғурчада устоз, хаттот.